

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИДА ДИН ВА АХЛОҚНИНГ ЎЗАРО МУТАНОСИБЛИГИ

Абдураширова Нилуфар Абдурашидовна

Тошкент давлат транспорт университети

“Чет тиллар” кафедраси ўқитувчиси

Тел:+99897 752 45 95

Ҳасанов М.

Тошкент давлат транспорт университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Уибу мақолада ахлоқ ва диннинг ўзоро мутаносиблиги талқин қилинган. Инсон маънавиятининг шаклланишида диний ва ахлоқий нормаларнинг уйғунлиги қиёсий таҳлил қилинган. Жамиятнинг ижтимоий негизининг ривожида диний ва ахлоқий қоидалар ўртага ташланиб, қиёсий таҳлилланган. Ахлоқий ва диний меъёрларнинг жамиятдаги енг муҳим белгилари келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: Жамият, ахлоқ, дин, Ахлоқий ва диний меъёр, виждон, норационаллик, рационаллик, хулқ – автор, комил инсон, ахлоқий қадрият, трансцендентал ахлоқ, насронийлар, буддистлар, яхудийлар, атеистлар, секталар, умуминсонийлик, радикаллик.

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается гармония между нравственностью и религией. Проводится сопоставительный анализ соответствия религиозных и нравственных норм в формировании духовности человека, религиозных и нравственных понятий способствующих социальному развитию общества. Представляются самые важные признаки нравственных и религиозных норм общества.

Ключевые слова: общества, нравственность, религия, нравственные и религиозные нормы, совесть, нерациональность, рационализм, поведение, совершенной человек, нравственные ценности, хрестьяне, буддисты, евреи, атеисты, секты, общечеловечность, радикальность.

КИРИШ

Инсон ақлан ривож топган тирик зот бўлгани боис, унинг ахлоқий меъёрлари анча мураккаблашган. Бошқа ҳайвонларда эса у жўн ва оддий.

Демак, ахлоқий меъёрларнинг мураккаблик даражасига кўра спектрини ҳосил қилиш мумкин. Бу спектр барча жамоавий жонзотларни қамраб олади ва ахлоқ эволюциясини акс эттиради. Ҳамма тирик мавжудотларнинг овқатланишга қанчалик эҳтиёжи бўлса, муайян тартиб - қоидаларга ҳам шунчалик эҳтиёжи бор. Жамият ахлоқ қонун қоидаларига риоя этиши ва уни ҳурмат қилиши албатта зарур. Бордию ахлоқ қонун қоидаларига риоя этилмас экан, эволюция натижасида қирилиб кетган яъни адаптация қилолмаган жонворлар сингари жамият ҳам таназзулга учрайди. Инсонларда ҳам ахлоқ жамиятдаги айrim талаблар оқибатида пайдо бўлган. Аввал англанмаган шаклда вужудга келиб, кейин мифлар, динлар, давлат қонунлари кўринишида мураккаблашиб борган. Бу жараён минглаб йилларга чўзилгани аниқ.

Кўпчилигимиз ахлоқ деганда қандайдир мавхум, минглаб йиллар муқаддам пайдо бўлган, ўзгармас, барча инсоний муносабатларимиз, ҳаттоки соф шахсий қилмишларимизни ҳам тартибга солиши керак бўлган “куч”ни тушунамиз. Бу “куч” асосан виждан ҳисобланадаи. Биз ахлоқнинг мутлақ эканлиги, ўзгармаслиги ва барча замонлар ва маконлар учун ягона бўлишини инкор қиласиз. Уни мавжуд шароит ва эҳтиёжларнинг ҳосиласи ва ўз навбатида ўша шароитга яна таъсир этувчи меъёрлар йифиндиси сифатида кўрамиз.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ахлоқ муайян жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиб турувчи ва ўша жамиятдаги бирлик, барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи меъёрлардир. Уларнинг шахс ва, асосан, жамият манфаати ва эҳтиёжига хизмат қилиши, амалда иш бериши уларнинг мавжудлигини оқловчи бирламчи мезондир.

Шу ўринда ахлоқ ўзи қандай пайдо бўлган деган масалага қисқача тўхталсак. Бунинг асосан икки тур изоҳи бор. Биринчиси, ахлоқий меъёрларни Худо ёки худолар жорий қилган дегувчи диний-теологик ёндашув. Ушбу ёндашувга кўра ахлоқ ҳозир қандай бўлса шундайлигича қачонлардир илоҳий куч томонидан инсонларга туширилган ва у ўзгармасдир. Улар турли муқаддас китобларда ёзиб қўйилган.

Иккинчи ёндашув эса эволюцион ёндашув бўлиб – унга кўра, ахлоқ аввалига примитив шаклда пайдо бўлган ва кейинчалик турлича кўринишга кириб ўзгариб, мураккаблашиб борган, турли даврларда яшаган инсонларнинг маъқул ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қарашларини ўзида ифодалаб келган меъёрлардир. Ахлоқий меъёрлар жуда мураккаб ҳодиса бўлиб, бу жараённи

тўхтатиб қолишнинг имкони йўқ. Тўхтатишга қаттиқ бел боғлаган миллатлар таназзулга учрайди ёки таслим бўлади. Бу каби ўзгаришлар, ҳаттоқи, энг консерватив куч саналувчи динда ҳам кузатилади. Бу қўпинча диний матнларни қайта талқин қилиш йўли билан амалга ошириладиган, ўта зиддиятли, мўътадил ва радикал диний жамоалар ўртасида можароларга сабаб бўладиган жараёндир. Радикал қанот аста секин камайиб боради ва камайгани сари янада радикаллашиб, қатъий чоралар қўриш йўлига ўтади.

Антик даврнинг машхур мутафаккири Арасту ахлоқнинг жамият ҳаётида муҳим аҳамиятига тўхталиб шундай деган эди: «Табиат инсон қўлига қурол – ақлий ва ахлоқий куч берган, аммо у шу қуролни тескари томонга нисбатан ҳам ишлатиши мумкин; шу сабабли ахлоқий таянчлари бўлмаган одам энг инсофсиз ва ёввойи, ўзининг жинсий ва дид майлларида энг тубан мавжудот бўлиб қолади»¹. Шунинг учун ҳам ахлоқ инсонийликка ундовчи восита бўлиб, у диннинг ёрдами ила вужудга келади.

Ахлоқнинг асоси пухта ўйланган таълим тизими ва қонун устуворлигининг таъминланишидир. Бу хусусида немис классик фалсафаси асосчиси қўйидагича тафсифлайди. Кант “Амалий ақл танқиди” асарида инсон яхшилик ва ёмонлик ҳақида қалбининг ҳиссий иштиёқи ва интилишларига асосланиб эмас, ақл заковати ёрдамида хулоса чиқариш керак, деган назарияни ўртага ташлайди. Гносеологияда бўлгани каби ўзининг фалсафасида Кант кишиларнинг қилмишларини асословчи умумий ва зарурий ахлоқий қонунларни топишга ҳаракат қилган. Кант фикрича, мутлок, умумий, барча учун аҳамиятли бўлиши мумкин ва бўлиши шарт, яъни қонун шаклига эга бўлиши керак. Фақат императив ахлоқ - (лот. imperativus -фармон) тамойилларига ва қоидаларига мос келадиган хулқ-атворгина ахлоқийдир. У априор хаарктерга эга синтетик ҳуқуқ бўлиб, унинг асосий қонунига кўра, шундай максимал яъни, хулқ атворнинг субъектив томойили асосида ҳаракат қилиш керакки, у ўз навбатида барча учун умумий қонун бўлиб қолиши керак деб, шундай тарифни беради: “Ўзингга ва бошқа инсонларга ахлоқий восита сифатида эмас, ахлоқий мақсад сифатида қарагин, чунки инсон ҳаёт ўзида энг олий мақсадни мужассамлаштирилган”. Унинг маълумотига кўра, ахлоқий қонунларга хурмат билан қарааш инсонларни ўз-ўзини хурмат қилишга, бурч тақозаси эса шахсий мукаммаллик ва бошқаларни баҳтига сабаб бўлади.

Инсон ахлоқини шундайдеб ёзади Эрих Фромм, - “бир одам - обрў эгаси инсон учун нима яхшилигини белгилаб беради, ўзни тутиш қонун-қоидалари ва

¹Аристотель. Политика. –М., 1911. С. 9.

меъёрларини ҳам ўйлаб топади, ўрнатади. Инсонпарварлик ахлоқи эса бу қонун-қоидалар ва меъёрларни ўзи яратиши, ўзи бошқариши ҳамда уларга ўзи амал қилиши билан фарқланади»²

Фромм обрўпарварлик ахлоқининг икки асосини кўрсатиб ўтади: биринчиси – рационал обрўпарварлик, унга кўра, рационал обрў эгаси ўзига юкланган вазифани омилкорлик воситасида бажариб, мазкур вазифани юклаганлар томонидан ҳурматга сазовор бўлади. Бироқ рационал обрўпарварлик вақтинчалик ҳадиса, у обрў эгаси фаолиятининг самарадорлиги билан боғлиқ. Иккинчиси – норационал обрўпарварлик, у бир томондан ҳукмронликка, иккинчи томондан, кўрқувга асосланади ва узоқ муддат давом этади: муайян тарихий даврни ўз ичига олади. Норационал обрўпарварлик танқидни на фақат тан олмайди, балки тақиқлайди. Рационал обрўпарварлик обрў эгаси тамонидан субъектга нисбатан ахлоқий тенгликни тақазо этса, норационал обрўпарварлик айнан тенгсизлик асосига қурилади. Бунда обрў эгасига «гап қайтармаслик», «қулоқ солиш» - фазилат, «қулоқ солмаслик» - иллат ҳисобланади.

Асрлар мобайнида дин ва ахлоққа бир бутунлик ўлароқ қаралган; содир этилган гуноҳ учун жазо муқаррарлигига бўлган ишонч инсонларни ёмонликдан қайтариши бот-бот таъкидланган. Ҳатто баъзи ашаддий атеистлар ҳам динни жамият ахлоқини назорат қилувчи институт сифатида тан олган. Балки шундан бўлса керак, диний таълимотлар илдизини асосан ахлоқий масалалар эгаллаган.

“Инсоният тафаккури тараққиётида илк бора эзгу ният, эзгу сўз ва эзгуликка асосланган амалиёт бирлиги ҳар қандай ижтимоий ривожланишининг асоси эканлиги тўғрисидаги буюк таълимот Зардўшт гоҳларида шакллантирилган эди. Фуқаролари бошқа фикрни ўйлаб, бошқа сўзларни айтишга ва яна бошқа амалий ишлар қилишга йўналтирилган жамият муқаррар тарзда таназзулга юз тутиши мумкинлиги тўғрисидаги инқилобий ғоя ҳам айнан ана шу таълимотга мансуб. Инсоният эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалиётга изчил амал қилибгина инқироздан қутулиши ва фаровон ҳаётга етишиши мумкин, деган пурҳикмат хulosалар чиқарилган”³.

Зардўштнинг муқаддас диний китоби «Авесто»да баён этилган бу дурдона фикрлар замирида юксак ахлоқ, комил инсон қиёфасини акс эттирувчи ахлоқий фазилат ифода этилган. Дарҳақиқат, агар одамда эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал

² Фромм Э. Человек для себя. Минск, Хорвест, 2004. С. 18.

³ Ницше Ф. Зардўшт таваллоси://Тафаккур. 1995. 1-сон. Б. 94

үйгун бўлмас экан, ундей одамнинг қадр-қиммати ҳам бўлмайди, ундей одамга ишониб ҳам бўлмайди, ундей одам кўпчилик назаридан қолади.

Европа уйғониш даврининг мутафаккирлари ахлоқий қадриятларга трансцендентал ахлоқ нуқтаи назаридан эмас, балки реал, амалий ахлоқ, ҳаётӣ, дунёвий нуқтаи назаридан қараладиган бўлди. Голланд файласуфи Спиноза ахлоқни илоҳийлаштириб талқин этишни танқид қилди. У ақлни ахлоқнинг асоси деб эътироф этиб, кишининг хатти-ҳаракатлари фақат унинг ўзига боғлиқ, одамнинг ўзи яхши-ёмонни ажратишга қодир эканлигини таъкидлайди, инсоннинг тафаккури қудратига ишонч унинг ахлоқий таълимотининг ютуғидир. Немис файласуфи Кант эса инсон ҳиссиёти орқали нарса ва ҳодисалардан қониқиши ҳосил қиласди, бу қониқиши уни ҳатто фикрлашга чорлайди. Инсон ахлоқий бурч билан, яхшилик қилиш билан баҳтга эришиш мумкин, дейди. Кант инсон билишининг имкониятларини кўрсатар экан, фаннинг билишдаги аҳамиятига катта эътибор беради. Шунинг билан Кант, ўз сўзи билан айтганда, “эътиқодга ҳам ўрин қўяди. Ишонч эътиқодгина инсон жонининг ўлмаслигига ишониш эркинлиги асосида худонинг мавжудлигини ақлий исботлайди”⁴, дейди.

Аслини олганда, маълум маънода, динийлик ва ахлоқийлик бир-бирига чамбарчас тушунчалардир. Улар дунё ва инсон ҳаётининг моҳиятига турлича қарашиб усуслариидир. Ҳар иккаласининг ҳам обьекти битта – дунёда инсон ҳаёти. Дин ҳам бу дунёда қандай яшаш кераклигини ўргатади. Ғаззолий у дунёдаги дўзах азоблари ҳақида ёзар экан, бу дунёда қандай яшаш лозимлигини уқтиради, кишиларнинг ҳиссиётига таъсир қилиш орқали тарбиялайди. Динлардаги буюк умуминсоний ғоялар аслда дунёнинг ахлоқий масалалрига хизмат қиласди. Ижтимоий ҳаётда шундай жараёнлар борки, ундаги муаммоларни ҳал қилишда динийлик кўпроқ самара беради. Ахлоқий поклик, ўткинчи дунё лаззатларига ҳаддан ортиқ берилиб кетмаслик, инсонга хиёнат қилмаслик, Оллоҳ яратган яхши нарсаларга зарар етказмай, табиатни асраб-авайлаш каби муаммоларни ҳал қилишда диннинг аҳамияти салмоқли. Бундан ташқари кишилик жамиятининг маънавий такомиллик даражаси бевосита диний дунёқарашнинг шаклланиши билан боғлиқ. Чунки диний дунёқараш кишининг дунё тўғрисидаги тасаввурларини яхлит бир тизимга келтириб олам тўғрисида эътиқодга асосланган умумий изчил манзарани яратади. Бу эса ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичлари учун зарур бўлган маънавий такомиллашиш жараёнининг узлуксизлигини тамиллашга хизмат қиласди.

⁴ Schiepp P. I.Kants practical ethics Evanston, 1964. P. 71.

Маълумки жамият тараққиёти давомида турли дин шакллари вужудга келди. Дин умумисоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни жонлантириб, ҳамма учун мажбурий хулқ-автор қоидаларига айлантира олган қудратли омил эканлигини доимо эсда сақлашимиз зарур. Бу эса ўз навбатида фуқароларимизда маданият, баҳамжиҳатлик, ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Уларни муаммо ва қийинчиликларни енгигиб ўтишларига руҳий мадад берувчи қудратли қуч сифатида, қадриятларимизни сақлаб қолинишини таъминлаб авлоддан авлодга етказишида кенг имкониятлар очиб беради.

Деярли барча тарихий даврларда хусусан, ҳозирги пайтда ҳам давлат сиёсати даражасида диндан ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида фойдаланиб келинган. Динни вужудга келтирувчи ижтимоий, тарихий, гносеологик ва психолгик илдизларнинг ҳар бири унинг моҳиятини англаб олишимизга имкон туғдиради.

Бугунги кунда демократик жамиятларда диний ташкилотларнинг ғоявий ва амалий фаолиятини ижобий баҳолаётганлигини эътироф этмоқ керак.

Дин ва давлат ўртасидаги муносабатларда миллий, умумисонийлик ва ахлоқийлик тамойилларининг ўзаро уйғунлигига амал қилиниши, дин ва диний муассасаларга холисона ёндашилиши давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида ўз аксини топаётганлигини қайд қилмоқ зарур. Бундан келиб чиқсан ҳолда мамлакатимизда содир бўлаётган демократик жараёнларда диний ташкилотларнинг ҳам ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ортиб бориши кузатилмоқда.

Диний ташкилотларга хос ижтимоий-сиёсий фаолликнинг ортаётганини эътиборга олиб, уни икки йўналишда - ижтимоий ҳаётда ва дунёқарашда шахснинг фаоллигини ошириш кераклигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунга кўра, диннинг ижтимоий илдизлари жамият аъзоларини фаолликка, эзгуликка, тинчлик ва хотиржамликка етакловчи омилга айланаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Маълумки, диннинг илдизлари бевосита инсон руҳияти билан боғлиқ тарзда талқин этилади. Бу ўринда инсоннинг ақлий ва ахлоқий имкониятларини ҳам ўзаро боғлиқликда олган ҳолда маънавий-маърифий тарбияда диннинг ҳам ўзига хос аҳамияти тўгрисида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти "...диний дунёқараш тафаккурнинг,

инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур”⁵, деб такидлайди.

Чинакам ахлоқли инсон диндор бўлгани ёки дўзахдан қўрққани учун эмас, аксинча, айнан ахлоқли бўлгани учун ҳам Яратганинг кўрсатмаларига амал қиласди. Диндан мутлақо бехабар, бироқ “дин ҳимоячисиман” дейдиганлардан минг чандон ахлоқлироқ инсонларни кузатганимизда улардаги ахлоқ диндан эмас, бошқа бир асосдан келиб чиқаётганига амин бўламиз. Бундай инсонларни мусулмонлар, насронийлар, буддистлар, яхудийлар, атеистлар орасидан кўплаб топиш мумкин.

Хўш, дин жамият ахлоқини яхшилай олмаса, у ҳолда нима бу вазифани бажаради? Бунга жавобимиз жуда оддий – тўғри йўлга қўйилган таълим ва қонунлар ижросининг қатъий таъминланишигина вазиятни ўнглаши мумкин. Бир томондан мустақил, танқидий фикрлай оладиган шахсни тарбиялашни бош мақсадга айлантирган дунёвий таълим тизими ва адолат тамойилларига содиқ ижроия ва суд ҳокимияти. Ана шу икки шарт бажарилгандан кейингина дин жамиятда ижобий роль ўйнай бошлайди, кишиларнинг маънавий-руҳий озуқасига айланади. Ислом давлатларида эса вазият бунинг акси. Давлат ўзининг энг муҳим функцияси – қонун устуворлигини таъминлай олмайди, етарлича дунёвий таълим кўрмаган омма эса дунёвий қонунлар ва ҳукumatни тан олмайдиган радикал воизларнинг итоаткор сомеларига айланиб қолган. Ваҳоланки, бундай радикал воизлар бошқа динларда ҳам бор. Бироқ уларнинг таъсири биз мусулмонлардагичалик эмас. Нима учун? Шунинг учунки, уларнинг сомелари бизлардагичалик ишонувчан эмас. Ишонувчалари ҳам башарти ҳаддидан ошса, қонун уларнинг жойи қаерда эканини кўрсатиб қўяди. Биз биламизки, АҚШда радикал диний секталар анча фаол. Бунинг сабаби, бизнингча, у ерда мактаб таълими етарли даражада қониқарли эмас. “Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташкилотининг 2010 йилги ҳисботига кўра, АҚШ бу соҳада ривожланган давлатлар орасида 23-ўринни эгаллайди”⁶. Нуфузли университетлар ва баъзи хусусий мактабларгина хорижликлар эътиборини ўзига жалб эта олади. У ҳолда нега ўша секталар ижтимоий ахлоқсизлик ва тартибсизликларни келтириб чиқариб, хавфсизликка таҳдид сололмайди? Бунинг сабаби оддий – у ерда конституция ва қонунларни бузганлар жазодан қочиб қутула олмайди. Мавриди келганда бир масалага

⁵ И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.Тошкент 1997. 36-бет.

⁶ Қаранг: OECD Facebook 2010. International Student Assessment –<http://www.oecd-ilibrary.org>

тўхталиб ўтиш жоиз. Аввал дунёвий таълим бериш керакми ёки диний, деган мавзуда баҳслар бўлиб туради. Бу саволга жавоб қилишда аввал диний таълим кўрганлар кўпроқ экстремизмга мойилми ёки дунёвий таълим олиб сўнг дин билан қизиқканларми – мана шунга эътибор қаратишимиш лозим. Худо, нариги дунё, жаннат, дўзах, гуноҳ каби тушунчаларни энди таълим олишни бошлиётган, дунё ва инсонлар тўғрисида етарлича маълумотга эга бўлмаган боланинг онгу тафаккури қабул қилишга қодир эмас. Улар бола ақлини, таъбири жоиз бўлса, фалаж аҳволга солиб қўяди. Оқибатда эса эркинликдан, эркин ва танқидий фикрлашдан кўрқадиган, дунёвий фанлар борасида эса қуруқ ёдлашдан нариги ўтмайдиган чаламуллалар пайдо бўлади. Чунки дин тафаккурга эмас, балки авторитетга сўзсиз ишониш ва итоат этиш кўникмасини аввал-бошданоқ шакллантириб қўяди. Эркин ахлоқий тафаккур салоҳияти эса ҳали бўй қўрсатмасданоқ янчиб ташланади. Бундай таълим кўрганлар кейинчалик ҳам эътиқодига ва ахлоқига зид ёки ўзгачароқ фикрга дуч келса, ўша заҳоти ундан халос бўлишга интилади. Ундаги ижодкорлик қобилияти чекланиб қолади. Демак, диний таълим фақат юқори синф ўқувчиларига берилиши, шунда ҳам дарс тарғибот мақсадида эмас, билим бериш учун, хуласа чиқаришни ўқувчининг ўз ақлу тафаккури ихтиёрига қолдирган ҳолда ўтилиши, динлар ўзаро қиёсий ўрганилаётганда холислик ва танқидийлик тамойилига риоя этилиши, бизнингча, мақсадга мувофиқдир. Дин етарлича дунёвий таълим кўрган жамиятда ижобий роль ўйнаса, бунинг акси бўлган вазиятда аҳвол ўзгача тус олади.

ХУЛОСА

Демак, ёшларимизнинг динга бўлган муносабатларини ижобийлигини ҳамда унга нисбатан қизиқишининг юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, маънавий-маърифий тарбияда диний омил ҳам ўзига бекиёс аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак. Зоро, мустақил давлатимизга, энг аввало, иймони бутун, қалби тоза инсонлар, биринчи навбатда ёшлар керак. Ҳар кунги фаолиятларида инсонларга эзгу амаллар, савоб ишлар қилиш, солиҳ ҳулқ соҳиби бўлган ёшларимиз дунёқараши-нафақат ўзини шу билан барча ёр-биродарларини ҳам эзгуликка етаклайдиган маънавий омиллардан бири эканлигига ёш авлодни ишонтиришнинг ўзи ҳам дунёвий маърифатдан ўзга нарса эмас.

Умуман олганимизда, диний ғояларни англаш ва ўрганиш, ҳозирги вақтда кенг қамровли ислоҳотларни ўтказиш жараёнида жамиятни маънавий бойитиш, миллий онгимизни янада юксалтириш, келажаги буюк давлатни яратувчи ёш

авлодни дунёвийлик руҳида, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўлур эди.

REFERENCES

1. Аристотель. Политика. –М., 1911. С. 9.
2. Фромм Э. Человек для себя. Минск, Хорвест, 2004. С. 18.
3. Ницше Ф. Зардўшт таваллоси://Тафаккур. 1995. 1-сон. Б. 94
4. Schiepp P. I.Kants practical ethics Evanston, 1964. Р. 71.
5. И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент 1997. 36-бет.
6. Раматов, Ж. С., Баратов, Р. Ў., Кушаков, Ф. А., Валиев, Л. А., & Ҳасанов, М. Н. (2022). ЖАМИЯТДА СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЙОКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *PEDAGOGS jurnali*, 19(1), 13-18.
7. Ж. С. Раматов, & М. Ҳасанов (2022). ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ. Academic research in educational sciences, 3 (6), 963-969.
8. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Ҳасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
9. Ҳасанов, М. Н., Бекмуратов, Б. Ж., Турғунов, Б. Ш., & Маматқулов, У. С. (2022). ФОРОБИЙНИНГ ТАЪЛИМОТИДА ЁШЛАР ВА ИНСОН ТАЛИМ-ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ ТАХЛИЛИ.
10. Ҳасанов, М. Н., Зайнiddинов, Б. З., Абдухалилов, О. А., & Джурайев, Д. Д. (2022). МЕҲНАТДА ИНСОННИ ШАКЛАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ.
11. Ramatov, J.S. va Xasanov, MN (2022). Ta'lim amaliyotida innovatsiyalarni jalb qilishning nazariy modelini tahlil qilish. *Sharq uyg'onishi: innovation, ta'lim, tabiiy va ijtimoiy fanlar* , 2 (6), 937-942.
12. У.К.Эрниёзов, М.Н. Ҳасанов, & Х.С.Машарипов. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ АНТРОПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ . *JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS*, 4(3), 130–136.
13. Ж. С. Раматов, М. Ҳасанов, & Л. А. Валиев (2022). ИНСОН ДУНЁҚАРАШИННИНГНИНГ ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ТАЛҚИНИ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2 (7), 78-82.
14. J. S. Ramatov, M. Hasanov MAFKURAVIY AXLOQ TARBIYASINING AHAMIYATI // Pedagogik fanlar boyicha akademik tadqiqotlar. 2022 yil. 6-

- son. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mafkuraviy-ta-didlarni-oldini-olishda-ahlo-iy-tarbiyaning-a-amiyati> (kirish sanasi: 04.10.2022).
15. Turabova, S. K. (2019). Social importance of the discussion in the development of civil society. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(6), 260-266.
 16. Kattakulovna, T. S. (2022, April). SCIENTIFIC DISCUSSIONS AS AN INNOVATIVE METHOD OF COGNITION. In *Conference Zone* (pp. 116-117).
 17. Раматов, Ж. С., & Ҳасанов, М. (2022). МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР-ЖАМИЯТИМИЗ БАРҚАРОРЛИГИ ВА ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ. *Academic research in educational sciences*, 3(6), 973-979.
 18. Раматов, Ж. С., Ҳасанов, М., & Валиев, Л. А. (2022). АУРОБИНДО ГХОШ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАЛСАФИЙ МЕЪРОСИ. *Academic research in educational sciences*, 3(6), 1161-1169.